

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

{year} й. «{day}» {month}

{number}-сон

№ 07/12-сонли

Тошкент вилояти.

"13" 12 2022 йил

“Тошкент вилояти Янгийул туман Ободонлаштириш бошкармаси (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор М.Мулаганов бир томондан ва “GEOSTROY PRESTIJ” МЧЖ (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор О.Рахматов иккинчи томондан, бюджет маблаглари Тошкент вилояти Янгийул туман Юксалиш МФЙ Нафосат кўчаси ички кўчалари жорий таъмирлаш ишлари буйича (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан etender.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот раками 12202038) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти Янгийул туман Ободонлаштириш бошкармаси харид комиссиясининг 2022 йил 09 декабрдаги баённомасига асосан кўйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектининг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. **Пудратчи** мазкур шартнома бўйича ички кўчаларни жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ободонлаштириш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблаглари хисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблаг таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. **Буюртмачи** томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблаг бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚСеиз 1 109 581 174 (Бир миллиард бир юз тўккиз милион беш юз саксон бир минг бир юз етмиш тўрт) сўмни ташкил этиб, мазкур маблаг молия бошкармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг хисоб ракамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектининг жорий таъмирлашишлари қийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси холосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблаглардан амалда иктисад қилинса, ушбу маблагни мазкур обьектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун обьектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачига* топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан обьектни *буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* курилиш давомида смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачига* хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан курилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегинчи курилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, курилиш материаллари, буюмлар вактинчалик бинолардан бўшатади;

-курилиш майдони қўрикланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиши, *пудратчи*дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджетмаблаглари ҳисобидан шартнома тузилаётган обьект учун маблаг таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аникланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблаги ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириши ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* обьектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур обьект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аникланганда, кейинги ойларда шартнома амал килиши муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади .

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. *Пудратчи* ишларни смета хужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс этирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар кайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова килинади.

8.8. *Пудратчи* *буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар *Буюртмачининг* тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича *Пудратчи* *Буюртмачининг* кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи туратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юкори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчидаги зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

10.3. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолани санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда туттилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишига қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Махаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хўжжатлар, қурилиш нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтисослашган, кўп йиллик тажрибага эга корхона (ташкилот, музассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хулосаларини олиш талаб қилинади.

2).. Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

3). Ички йўлларни жойларда фойдаланишига қабул қилиши юзасидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан фойдаланишига қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гурухига куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишига тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йўл-курилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив катламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофилик сертификатлари;

- 11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачигабуюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. *Пудратчибуюртмачига* ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи*:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажариши;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *буюртмачининг* икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган конун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарлика тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда конунни муҳофаза килувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи*:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

13.2. *Пудратчи*:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишига карор килган томон ушбу бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 авгуустдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун хужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишини орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-конли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи* *пудратчи* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объективни ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* *буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. *Буюртмачи* *Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблаглар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблагларни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал килиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманилараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган холда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

15.2. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашини тўғрисидаги конун хужжатларининг талабларида зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан

талабларига зид келадиган хар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаданган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиг ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуидаги ҳаракатларни қилмайди: пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш товламачилик қилиш; пора сифатида пул тўлаш; бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал килади.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БЮОРТМАЧИ

Янгийўл туман Ободонлаштириш бошқармаси
Тошкент вилояти Янгийўл туман Ахил
МФЙСамарқанд қўчаси
Ш/х: 40172286027259706500110007
ИНН: 206 105 483
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Директор

М.Гулаганов



ПУДРАТЧИ

“GEOSTROY PRESTIJ” МЧЖ
Тошкент вил. Бўка тумани А.Қодирий
кўчаси 5-ўй
х/р 2020800000686305001
ИНН 304398450
ТИФ «Миллий банки»
МФО 00943
ОКОНХ: 41201. Тел. +998 97 302 20 20

Директор

О.Рахматов



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 202038 на приобретение Юксалиш мфй Нафосат кўчасини асфальтлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 09.12.2022

Время рассмотрения 09.12.2022 15:42

Закупочная комиссия Янгийул тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TULAGANOV MAMAYNUS ARTIGALIYEVICH	Рахбар	Ободонлаштириш
Секретарь комиссии	MAXMUDOVA MAVLYUDA NURIDINOVNA	Экономист	Ободон
Член комиссии	ERGASHEV SHAXZOD SHUXRAT O'G'LII	техника	Янгийул Ободон бошкармаси
Член комиссии	XALIKNAZAROVA IRODAXON INAMITDINOVNA	Xisobchi	Obodonlashtirish
Член комиссии	Elmurodov Husniddin Baxtiyorovich	Bosh muxandis	Azo
Член комиссии	URAZBAYEV XUSAN MIRZABAYEYICH	Булим бошлиги	Ободон

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.12.2022 года № лота 202038.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	асфалт 7
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1128 770 269.00
Стартовая сумма	1128 770 269.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧК	25	25	25	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО Геострой Престиж	25	1109581174	25	Экспертная		
ООО MASTER STROY ROAD777	25	1072331756	25	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	25	25	25	Экспертная		
ООО UMID BETON	25	25	25	Экспертная		

Критерий №2 Ташкилот ишчилари түғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот ишчилари түғрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	25	25	25	Экспертная		
ООО Геострой Престиж	25	1109581174	25	Экспертная		
ООО MASTER STROY ROAD777	25	1072331756	20	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	25	25	25	Экспертная		
ООО UMID BETON	25	25	10	Экспертная		

Критерий №3 Бажарилган иш хизматлар кафолати

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган иш хизматлар кафолати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	25	25	20	Экспертная		
ООО Геострой Престиж	25	1109581174	25	Экспертная		
ООО MASTER STROY ROAD777	25	1072331756	25	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	25	25	25	Экспертная		
ООО UMID BETON	25	25	10	Экспертная		

Критерий №4 Ташкилот гувохномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот гувохномаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	25	25	25	Экспертная		
ООО Геострой Престиж	25	1109581174	25	Экспертная		
ООО MASTER STROY ROAD777	25	1072331756	25	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	25	25	20	Экспертная		
ООО UMID BETON	25	25	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО Геострой Престиж	1 128 770 269.00	1 109 581 174.00 UZS	1 109 581 174.00	00.00	1 109 581 174.00	06.12.2022 22:40:45	9.66429
ООО UMID BETON	1 128 770 269.00	1 117 482 000.00 UZS	1 117 482 000.00	00.00	1 117 482 000.00	07.12.2022 14:50:16	9.59596
ООО IDEAL ASFALT BROK	1 128 770 269.00	1 094 162 728.00 UZS	1 094 162 728.00	00.00	1 094 162 728.00	07.12.2022 13:49:57	9.80048
ООО MASTER STROY ROAD777	1 128 770 269.00	1 072 331 756.00 UZS	1 072 331 756.00	00.00	1 072 331 756.00	07.12.2022 12:40:38	10
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	1 128 770 269.00	1 100 000 000.00 UZS	1 100 000 000.00	00.00	1 100 000 000.00	06.12.2022 08:36:26	9.74847

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО Геострой Престиж	90	9.66429	99.66429
ООО UMID BETON	63	9.59596	72.59596
ООО IDEAL ASFALT BROK	85.5	9.80048	95.30048
ООО MASTER STROY ROAD777	85.5	10	95.5
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	85.5	9.74847	95.24847

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 202038 от 09.12.2022 года на приобретение Юксалиш мфй Нафосат кўчасини асфальтлаш ишлари определила победителем:

ООО Геострой Престиж
304398450

и резервный исполнитель: ООО MASTER STROY ROAD777 (308523624)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	TULAGANOV MAMAYNUS ARTIGALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEV SHAXZOD SHUXRAT O'G'LI	Воздержался	
Член комиссии	XALIKNAZAROVA IRODAXON INAMITDINOVNA	Согласен	
Член комиссии	Elmurodov Husniddin Baxtiyorovich	Согласен	
Член комиссии	URAZBAYEV XUSAN MIRZABAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

JB6785778255

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **YUksalish mfy asfal'tlashtirish**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: YANGIYO'L TUMAN "OBODONLASHTIRISH" BOSHQARMASI tomonidan 12.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangiyo'l tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



X.M.MURODJONOV

13.12.2022

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Янгийўл туман Ободонлаштириш

бошқармаси бошлиғи



М.А.Тулаганов

БАЁННОМА № 13/12

Янгийўл туман

«13» декабр 2022 йил

Раислик қилувчи

М.Тулаганов

Янгийўл туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи

Қатнашдилар

комиссия аъзолари

КУН ТАРТИБИ

**Тошкент вилояти Янгийўл туман Юксалиш мфй Нафосат кўчасини ички
кўчаларини жорий таъмирлаш ишлари бўйича**

2022 йил 09-декабрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали
орқали шаклланган “Янгийўл туман Ободонлаштириш бошқармасининг” баённомасига
асосан эълон якунига кўра комиссия аъзолари томонидан “ООО Геострой престиж”
ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг
2021 йил 22 апрелдаги УРК, 684- сон қонунининг 62- моддаси 3-бандига асосан
баённома бўйича хеч қанай эътиrozлари ёки қўшимча таклифлари келиб тушмаганлиги
маълумот учун қабул қилинсин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хамда комиссия
аъзоларининг 2022 йил 09 декабрдаги баённомасига асосан “ООО Геострой престиж”
ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан қонунчиликка
асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

Мурод Абдуллаев

Оҳоним измуратова
Хуршидабад
Р.М.Шукров